Ким бизнинг мана бу ишимизда ундан бўлмаган янги нарсани чиқарса, у (иши) рад қилингандир

Мўминларнинг онаси Умму Абдуллоҳ Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бизнинг мана бу ишимизда ундан бўлмаган янги нарсани чиқарса, у (иши) рад қилингандир», дедилар. Муслим ривоят қилган бошқа лафзда: «Ким биз буюрмаган ишни қилса, албатта, у рад қилинур», – дейилган.

[Саҳиҳ] [Бухорий ва Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ким динда янги нарса ихтиро қилса ёки китоб ва суннатдан далил бўлмай туриб амал қилган бўлса, у амал рад қилинишини ва Аллоҳ ҳузурида қабул бўлмаслигини баён қилдилар.

https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/66514

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY
لجنة الدعوة الإلكترونية
EDC E-Da'wah Committee